

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куну



"Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этипти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз".

И. КАРИМОВ.

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 67 — 68

(2604 — 2605)

1993 йил

27 АВГУСТ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Истиқлол муборак!

Халқимиз асрлар бўйи ўртаниб, орзу этган мустақиллик байрамини муборак бўлсин. Она тупроғимиз оёғимиз остига, она тил забонимизга, иймон-эътиқод қалбимизга, ғурур кўксимизга қайтаётганидан бошимиз осмонда.

Истиқлол туфайли эркимиз, ҳурлигимиз қўлимизга тегди. Мана шунга ҳам ронпа-роса икки йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида давлатимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди, кўплаб мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди, қатор нуфузли халқаро уюшмаларга аъзо бўлинди, миллий ва диний қадриятларимиз тикланмоқда.

Муҳим ютуқларимиздан бири — миллий тотувликнинг барқарорлигидир. Зеро, Ўзбекистон собиқ Иттифок республикалари ичида миллий низолар ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган хунрезлик ва биродарқушлик офатларидан холи бўлган бир нечтагина мамлакатдан биридир. Бунда, албатта, Сиз, азиз ички ишлар ходимларининг хизматлари беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинган кунга икки йил тўлиши муносабати билан Сизларга сиҳат-саломатлик, халқ осойишталигини сақлаш борасида олиб бораётган хайрли ва сермашаққат ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти
З. АЛМАТОВ.



Халқим, бағрингдек кенг

Алпомиш келбатли

Кўнглинг бут тут,

Сени кўриқловчи

осмонларинг бор,

ўғлонларинг бор,

хайиқма асло

посбонларинг бор!

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги Тошкент вилояти ИИБда тантанали нишонланди. Табиийки, биринчи сентябрь арафасида пойтахт вилояти ички ишлар идоралари ходимларининг ташвишлари кўп бўлади, шу сабабли олдинроқ байрам қилишга қарор қилинди.

ИИБ ҳовлисида дастурхон безатилди, байрам учун ҳамма нарса тайёрланди. Ийғилганларни Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, милиция генерали-майори Н. Исмоилов табриклади, у ўз сўзида ийғилганларни вилоятдаги тезкор вазият билан қисқача таништирди, уларни келаётган байрам билан қутлади.

Республика ИИБ ички қўшинлари дастасининг санъаткорлари ижросида куй ва қўшиқлар янгради, ажойиб миллий рақслар ижро этилди. Концерт ийғилганларни гоёта хушнуд қилди.

Тантанали ийғилишда дастурхонларга байрам палови ҳам тортилди.

Ўз мухбиримиз.

ДАДИЛЛИК ВА ҲУЖУМКОРЛИК БИЛАН

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган куннинг икки йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Тарих учун жуда қисқа бўлган бу давр нимаси билан эсда қолди? Авваламбор, мустақилликнинг эътирофи этилиши халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва чуқурлашуви, хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига олиб келди.

Ички ишларда, аввало сиёсатдан, ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши ва ўз қонунлари асосида ривожланиши керак бўлган иқтисодий соҳасида аниқ йўналишлар ва истиқбол йўллари белгиланди. Янги тузилмалар ва муносабатлар ривожланаётган бозорга ўтиш даврида давлат, ҳукумат ислохотларнинг кафолатчиси ҳамда олиб боровчиси бўлиши керак. Бозорга ўтиш бирдан-бир мақсад эмас, балки биринчи навбатда халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш воситаси эканлигини қарор топтириш муҳим вазирадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг китоблари ва нутқларида бозор муносабатларига изчил, оғишмай, лекин босқичма-босқич ўтиш лозимлиги таъкидланган. Хусусий мулк шакллари йўлга қўйишга, соғлом рақобатни рағбатлантиришга, бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик усулларидадан воз кечишга, иқтисодий рағбатлантириш воситаларини ҳаракатга келтиришга қаратилган тадбирлар ана шундан равшан гувоҳлик беради.

Бироқ тижорат ишларини марказлаштиришдан воз кечиш, хорижга чиқиш ва хориждан келишнинг осонлаштирилиши, таъкиқтисодий алоқаларнинг кенгайиши маҳаллий хуфия иқтисодиёт корчалонларининг халқаро жинойи бизнес билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши учун ҳам қўлай шарт-шароит яратди, ушбу муносабатлар соҳасига ҳуқуқ бузувчи шахсларнинг муайян миқдорини жалб этди. Хорижлик жинойтчи тузилмаларда республика ҳудудидан гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғ ва бошқа контрабанда молларини транзит ташиш ва уларни Ўзбекистонга етказиш учун қизқиш кучаймоқда. Бу ҳол ички ишлар идоралари ходимларини ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Ҳуқуққа қарши фаолиятлари натижасида катта бойлик орттирган "хуфия" бизнес вакилларининг уни чет элликлар билан қўшма корхоналарга ва жорий банкларга жойлаштириш ҳисобида легаллаштиришга бўлган уринишларига зарба бериляпти.

Кейинги вақтда истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, мулкни давлат эгалигидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғидаги сунистеъмолларни бартараф этиш борасида қатор тезкор-тергов ва профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Ички ишлар идораларининг куч ва воситаларидан янада режаларок фойдаланилмоқда. "Қорадори", "Тун", "Ғамхўрлик", "Ҳашар" ва бошқа шартли номланган йирик миқёсда ҳамда махсус тадбирларнинг ўз вақтида ва собитқадамлик билан ўтказилиши

шахсга қарши қаратилган жинойтлар салмоғининг анча камайишига имкон яратди, рўйхатга олинган оғир тан жароҳатлари етказиш, зўрлашлар, талон-торожлар, ўлим билан тугайдиган йўл-транспорт ҳодисаларининг миқдори камаймоқда.

Статистика маълумотлари бу ҳақда яққол гувоҳлик беради. Шу йилнинг етти ойи ичида ўтган даврнинг ана шундай даври билан таққослаганда оғир жинойтлар миқдори 7 фоизга камайган, вояга етмаганлар томонидан содир этилувчи ҳуқуқ бузишлар, оғир тан жароҳатлари етказиш, талон-торожлар борасида ҳам ана шундай тамойилни кўрамиз. Давлат мулкни ва кишилар мол-мулкни ўғирлашлар сони анча камайди, кўча жинойтчилиги барҳам топа бошлади, порахўрлик фактлари анча кўп миқдорда аниқланди. Очилмаган жинойтлар миқдори, жумладан жинойт-қидирув соҳасида ҳам, камайиб бормоқда.

Ички ишлар идораларининг ишида муаммолар, камчиликлар йўқ дейиш нотиғри бўлур эди, шундай бўлсада Ўзбекистон милицияси ходимларини ҳаракатсизликда, ишнинг кўзини билмасликда, соғлиқлари ҳамда ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлсада қўмакка муҳтож кишиларга ердамга келиш учун интизмасликда айбланиш қийин.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг иккинчи йилини кутиб олаётган айни бир даврда ички ишлар идораларининг ходимлари дадил ва ҳужумкор ҳаракат қилмоқдалар, мустаҳкам ҳуқуқ-тартиботни, республика фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминламоқдалар, ана шу байрам кунларида ҳам осойишталик, барқарорлик, ижтимоий тотувлик сақланиши учун қўлларидан келган ҳамма ишчи қилмоқдалар.

МУҚАДДАС БУРЧ

Шу кунларда Республикаимиз Мустақил деб эълон қилинган кунга икки йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарига санокли кунлар қолди.

Икки йилдирки юртимиз узра озодлик байроғи ҳилпираб турибди. Бир асрдан ортик давом этган қуллик қафаслари парчаланиб, хурликка, озодликка эришдик, мустақил ҳаёт кечирмоқдамиз.

Истиқлол кўп миллатли республикаимиз халқига озодлик нашидасини бериб, энди ундан сермашаққат меҳнатни, бунёдкорлик шижоати, юксак масъулиятни талаб этмоқда. Эндиликда миллий маънавият юксалиб, унинг янги қирралари тобора очила бориши лозим.

Озод юртнинг биринчи қадамлари жуда ҳам машаққатли бўлди. Илгари катта бойликлардан махрум бўлган, кўзини фақат тупроқ тўлдирга оладиган очкўз ганимларимиз давлатимиз боши узра тухмату гийбат тошларини соча бошладилар. Душманларимиз юртимизни халқаро жамоатчилик олдида обрўсизлантиришга ҳар қанча уринсалар-да, уларнинг режалари барбод бўлди. Ганимлар ўзлари қазиган чоғга ўзлари қуладилар.

Бугун кўп нарса ҳақида сўз юритиб, фикр қилишимиз мумкин. Эндиликда жамиятимиз йўл бошида турган одамга эмас, балки аниқ манзил томон шахдам одимлаётган катта қарвонга ўхшайди.

Албатта, ўтган икки йил

мобайнида эришган барча ютуқларимиз ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бу ютуқларнинг барчасига осойишталик ва тинчлик, хотиржамлик орқали эришилди.

Республикаимизда тинчлик ва осойишталикни доимо сақлаш борасида Президентимизнинг "Биз раванқ топган давлатлар қаторига чиқишимиз учун, авваламбор, юртимизда фуқаролар тотувлигига эришишимиз лозим. Олам аҳли тинч, барқарор юрт билангина иқтисодий алоқалар олиб боради. Чет эл раҳбарлари фақат ўз сармояларидан фойда кўрсатина, манфаатдор бўлишига кўзи етсагина Ўзбекистон билан шартномалар тузади. Шу сабабли ҳам тинчликни кўз гавҳаридек асрашлик — олий мақсадимиздир" деган сўзларини унутмаслигимиз керак.

Президентимиз И. А. Каримовнинг Республикаимизни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, мамлакатда осойишталикни сақлаш, халқни ижтимоий муҳофаза этишни таъминлаш борасидаги хизматлари таҳсинга лойиқ деб ўйлайман.

Шу ўринда мен Президентимизнинг шахсан ташаббуслари билан Республикада уюшган жинойтчиликка қарши олиб бораётган курашдан бениҳоя миннатдор бўлаётганимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз, қонун ҳимоячилари бундай шахсларга аёвсиз кураш олиб боришимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

Тўрт кундан сўнг республикамиз шаҳар ва қишлоқларида Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳали ҳам қийинчиликлар мавжуд бўлишига қарамай, мамлакатимиз халқлари ана шу кунни муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Республика пойтахтида бутун дунёга шуҳрати таралган Амир Темурнинг ҳайкали очилади, ҳамма ерда байрам тантаналари бўлиб ўтади. Ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам Мустақиллик кунига тайёрланмоқдалар. Улар оммавий сайилларга айланиб кетадиган байрам кунига жамоат тартибини таъминлашга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиққанлар. Милиция формасини кийган кишилар бу кун қизгин меҳнат қиладилар. Лекин ички ишлар идораларининг ходимлари фақат хизмат билан чегараланиб қолмайдилар. Таҳририят ўзининг Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мухбирлари билан боғланиб ва улардан вилоят бошқармаларида байрам қандай кутиб олинishi ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

ТОШКЕНТДА телефон аппарати матбуот марказининг ходими, милиция лейтенанти Радик Солиев олди.

— Хар доим бўлганидек, тантана кунларида пойтахт ИИББ барча бўлинмаларида энг яхши ходимларни, фахрийларни табриклаш тантанали равишда ўтказилади. Яқиндагина очилган жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказида ҳам қилинадиган ишлар оз эмас, ходимларимиз бу ерда ҳашар уюштирадilar, Акмал Икромов тумани ИИББ ходимлари байрамга яхши совға олдилар — ишлаш учун барча шарт-шароити мавжуд бўлган янги замонавий бинога кўчиб кирдилар. Фарҳод бозори яқинида Акмал Икромов тумани ИИБнинг шаҳар милиция бўлими фойдаланишга топширилмоқда. Бу тумандаги иккинчи шаҳар милиция бўлими бўлиб, туман ИИБ яқин орада бошқарма мақоми олиши кутилмоқда.

Ҳамза номли театрда театрлаштирилган томоша бўлиб ўтади, унга ички ишлар

идораларининг ходимлари оилалари билан бирга таклиф этилган.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА кейинги икки ой ичида Мустақиллик кунига фаол тайёргарлик кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи, ички хизмат майори Бовуржон Боймуротовнинг хабар қилишича, бу ерда байрам дастурхони ясатилади, санъаткорлар катта концерт берадилар. Энг яхши ходимлар тақдирланади. Бир ой олдин республикада милиция ходимларига ёрдам бериш жамғармаси ташкил этилган эди. Кам таъминланган оилалар ва хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганларнинг оилаларига 10-15 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Туманларда ички ишлар идоралари ходимларнинг ишлаш шароити яхшиланмоқда. Бўзатов туманида, масалан, чиройли шинам иморат фойдаланишга топширилди.

Унда энди туман ИИБ ходимлари меҳнат қиладилар. Туман ҳокимлиги ИИБга каттагина ер участкаси ажратди, у ерда мевали дарахтлар, полиз экинлари ва сабзавот экилади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА бу байрам ички ишлар идоралари ходимларига екимли кайфият бағишлайди. Матбуот гуруҳининг катта нозири милиция майори Иброҳим Каримов таҳририятга кўнгирак қилиб, вилоят ҳокимлигининг ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларида байрам учун ҳамма нарсга тайёрлигини хабар қилди. Клублар ва маданият саройларида тантачали мажлислар бўлади, маърузалар ўқиладилар, “Динамо” ўйингоҳида футбол бўйича ИИБ биринчилиги ўтказилади, бошқарма аппарати ходимлари байрамни янги ошхонада нишонлайдилар — сўнгра янги кинозалда санъат усталари концерт берадилар. Бошқарма биноси капитал таъмирланди, ховлида эса фаввора қурилди, жиноят қидирув бўлими ва алоқа хизмати учун янги алоҳида бинолар тайёр бўлди.

Чортоқ туманида қурувчилар туман ИИБ ходимларига 15 хонадан иборат ўқув биносини тоширдилар. Поп туманида ички ишлар идоралари ходимлари байрамга 24 хонадонга мўлжалланган уй-жойни олдилар, республиканинг ҳамма туманларидан келган милиция ходимлари даволанадиган вилоят госпиталида эса 64 ўринли яна бир корпус қуриб битказилди.

Қурилишда ИИБ бошлиғининг хўжалик-молиявий ишлар бўйича ўринбосари милиция майори Валижон Ашуров ва хўжалик бўлимининг бошлиғи милиция подполковниги Яков Аксельман бевосита иштирок этдилар.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА трубкани истеъфодаги ички хизмат полковниги, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси, ички ишлар идораларида 39 йил хизмат қилган Мелик Жўраев кўтарди.

— Мустақиллик кунига янги клуб очилмоқда, бошқармада янги чойхона фойдаланишга топширилади, бу ерга келганлар байрамни хушбўй чой устида нишонлайдилар. “Постда” газетаси Қашқадарё вилояти ИИБ қошида ички ишлар идораларининг шуҳрат музейи ташкил этилганини хабар қилган эди. Мустақиллик кунини икки йиллигига атаб бу ерда экспозиция очилади. Усмон Юсупов ва Касби туманлари ИИБ бинолари капитал таъмирдан чиқарилди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ички ишлар идораларининг ходимлари ҳузурига Самарқанддан республика санъат мухлислари гойта ардоқлайдиган Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева меҳмон бўлиб келади. Бу ҳақда бизга ИИБ матбуот марказининг катта нозири ўроқбой Ҳасанов хабар қилди. Мустақиллик кунини Шароф Рашидовнинг ватанида айнқиса тантанали ўтади. Бугунги кундаёқ ҳамма ерда байрам кайфияти ҳис этилмоқда. Китобсеварлар учун китоб савдоси ташкил этилади, спортчилар эса


самбо кураши, енгил атлетика бўйича мусобақаларда қатнашадилар. Байрам арафасида туман бўлимларида футбол ва баскетбол бўйича вилоят биринчилиги бошланади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҳам футбол бўйича биринчилик бошланади, унда туман ва шаҳар ИИБ жамоалари қатнашади, деб хабар қилди Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Абдугофур Юсуфжонов. Барча туман ва шаҳарларда ички ишлар идораларининг ходимлари хизматдан бўш вақтда ҳашар ўтказиб, ўз бўлинмаларининг худудини ободонлаштирадilar, байрам дастурхонида миллий таомларни тановул қиладилар, бадий ҳаваскорлар ва санъаткорларнинг концертларида бўладилар.

Паркент туманида ИИБнинг янги биноси қурилиши жадаллаштирилади. Олмаликда шаҳар ИИБ худудини ўраб турадиган гулзор ва серсоя боғ барпо этилди.

Халқ манфаатларининг толмас посбонлари бўлган милиция ходимлари узок қутилган байрамни муносиб кутиб олишга, у осойишталик билан ўтиши ва кишиларда фақат жуда илиқ хотиралар қолдириши учун ҳамма ишни қилишга тайёрдилар.

С. МИЛУШЕВ.
Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.



МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик туфайли республикамизнинг барча ички ишлар идоралари қатори бизнинг бошқармамиз жамоасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди, шунинг билан бирга катта масъулиятли вазифалар юкланди. Жумладан, собиқ иттифоқ пайтида янги биноларни қуриш, янги қўшмача шатлар, техникалар олиш каби шунга ўхшаш масалаларнинг барчаси Русия пойтахти орқали ҳал этилди. Кўпчилик ҳолларда эса катта тадбир, анжуманларни ўтказиш масалалари ва бу жойларда жамоат тартибини сақлаш учун пойтахтдан рухсат олинди. Шукрлар бўлсинки, эндиликда бу вазифалар Республика ички ишлар вазири томонидан ҳал этилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарга тайёргарлик кўриш масалалари яқинда вазирликда кўриб чиқилди. Уни вазириимиз З. А. Алматов ўтказиб, керакли йўл-йўриқ, кўрсатмалар бердилар.

Мажлисида барча ички ишлар хизматлари ходимларини бу тантаналарнинг осойишта ўтиши учун сафарбар этиш, байрам муносабати билан боғлиқ бўлган барча масалаларни нуқсонсиз бажариш зарурлиги ўқтириб ўтилди. Байрамда тинчлик ва осойишталикни сақлаш мақсадида Республика ИИБда оператив штаб тузилди. Оператив штабнинг раҳбари этиб вазириимиз ўринбосари,

милиция генерали-майори Р. Х. Абдуллаев тайинланди.

Шунингдек, вазирликнинг барча бошқарма бошлиқлари оператив штаб аъзолари этиб тайинландилар. Вазириимиз томонидан тасдиқланган махсус режа тузилди ва бу режа ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ИИБга амалий иш дастури қилиб юборилди.

Ушбу иш режасида кўрсатилганидек, байрам тантаналарига тайёргарлик кўриш, байрам кунлари эса жамоат жойларида, халқ сайиллари ўтказиладиган Мустақиллик майдони, Амир Темур майдони, “Туркистон” катта концерт зали олдида, Анҳор бўйи, Сайилгоҳ қўчаси, Хадра, Халқлар дўстлиги, Алишер Навоий театри майдонида катта халқ сайиллари ўтказилади. Ушбу жойларда мунтазам равишда жамоат тартибини сақлашдек муҳим вазифа бизнинг зиммамизга юкланган. Албатта, бу топшириқни бениқсон, ўз вақтида бажариш зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз байрамга тайёргарликни бундан бир неча ҳафта олдин бошлаб юборгандик. Шу мақсадда Тошкент шаҳрининг барча туман ички ишлар бўлинмаларида махсус тадбирлар ўтказилди.

Бу тадбирларни ўтказиш жараёнида ички ишлар ходимлари ҳар бир кўча, уй ва унда истиқомат қиладиган барча фуқароларни, жамоат жойларини синчиклаб текширувдан ўтказдилар. Ташкилот ва корхоналар ҳам кўздан кечирилди. Бундан ташқари

автостанциялар, айнқиса, одамлар гавжум бўладиган бошқа барча жойларни ҳам назоратдан ўтказдилар. Дайдилар, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар, суюқоёқ аёллар, текинхўрлик билан даромад олувчилар, ноқонуний равишда рўйхатсиз яшаётганлар, жиноят содир этиб беркиниб юрганлар шу тадбирлар давомида кўплаб аниқланди. Уларнинг барчасига қонун асосида жазо чоралари белгиланди. Шунингдек, бу тадбирлар пайтида муқаддам судланганлар, назорат остида бўлган, жиноят содир этишга мойил бўлган ва спиртли ичимлик ичувчи ва бошқа шу каби шахслр аниқланди.

Бундан ташқари рухсат этилган объектлар, тез таъсир этувчи заҳарли, портловчи моддалар сақланадиган омборлар кўздан кечирилди. Ноқонуний равишда ўқ отиш қуролилари, шунингдек, ўқдор, портловчи моддалар сақлаётган кўпгина шахслр аниқланди.

Байрам кунларида темир йўл вокзаллари, аэропортлар, автостанциялар орқали келаётган меҳмонларни кутиб олиш масалалари ҳам алоҳида назорат остига олинди.

Республикамизнинг давлат мустақиллиги кунининг икки йиллигига бағишланган байрам тантаналари тинч ва осойишта ўтиши учун барча имкониятни ишга соламиз. Ўйлайманки, байрам кўнгилидагидек ўтади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Қобилжон ТОШМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Жамоат тартибини сақлаш
бошқармаси бошлиғи, милиция
полковниги.

ҚИСҚА САТРЛАР

“ТАВАККАЛЧИ”

Андижон шаҳар автошоҳбекати худудиде электр-алоқа корхонасининг ҳисобчи-тафтишчиси лавозимида ишловчи, 1954 йили туғилган Мансуров “ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишнини битиради” қабилида иш кўрмоқчи бўлди. У Шаҳрихон шаҳар электр-алоқа бўлими бош ҳисобчиси, 1949 йилда туғилган Набиевдан иш фаолиятида юзага келган камомаднинг ошқор этмаслиги учун 150 минг сўм пора олаётганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда.

ЮЗ ЭМАС, МИНГ ЭМАС...

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасига 1954 йилда туғилган Холмирзаев ёрдам сўраб мурожаат қилди. Маълум бўлишича, икки нафар номаълум кимса ундан юз эмас, минг эмас, роппа-роса 2 миллион 400 минг сўм талаб қилиб, талаблари қондирилмаган тақдирда ўлдириб юборишларини билдирганлар.

Зудлик билан тузилган тезкор гуруҳ ишга киришди. Келишилган вақтда тамагирларнинг қўйинга талаб қилинган пул, қўлларига эса кишан тушди... Улар муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 39 ёшли А. ва 43 ёшли П. экан.

ИККИ КИШИЛИК... АРМИЯ

Самарқанд шаҳар матлубот жамиятига қарашли ҳасип цехи устаси 65 ёшли Исмоиловнинг уйи кўздан кечирилганда, хонадондан 17 хил газлама боғлами, 15 дона аёллар тилла зирағи, 3 миллион 493 минг сўм пул ва ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтмаган қўшотар ов милтиғи (160 дона ўқи билан) топилди.

Исмоиловнинг ўғли ҳам “отасининг боласи” экан. 24 ёшли бу йигитнинг хонасидан “Наган” тўппончаси, 56 дона АКМ автоматининг жанговар ўқлари ва 2 дона совуқ қурол топилди. Тергов ота-боланинг “ҳарбий оямбор”и қандай мақсадларда йиғилганига аниқлик киритади.

ЎЗИМИЗГА ҚОЛДИ

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида боғотлик Ш. Юсупов милиция ходимларининг қўлига тушди. Бекорга эмас, албатта. У ўзига бириктирилган “КамАЗ-5320” русумли, 77-48 ХЗМ рақамли автомашинида салкам 3 миллион сўмлик автотранспорт эҳтиёт қисмларини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб ўтаётгани учун. Бироқ, энди у ўзининг ушбу тижорат сафари юзасидан ички ишлар бўлимига тергов беришга мажбур.

ТАЙЕРЛОВЧИННИНГ ТУПЛАГАНЛАРИ

Қашқадарё вилояти, Нишон туманидаги матлубот жамияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчиси Н. Боллениннинг “Туркменистон” деҳқон хўжалиги худудиде жойлашган уйга умумий баҳоси 7 миллион сўмликдан ортиқ 157 қоп гуруч, 240 литр спиртли ичимликлар ҳамда пизэ ва картошка маҳсулотларини очик савдодан яшириб қўйгани ошқор бўлиб қолди. Тайёрловчининг бунча маҳсулотларни нима сабабдан яширгани ҳусусида сурштирув ишлари олиб борилмоқда.

Республика ИИБ матбуот маркази.

КЕКСАЛИКНИ ТАН ОЛМАЙ

Пойтахт вилояти ички ишлар идоралари суриштирув хизмати ходимларининг зиммасидаги иш ҳажми республикадаги ўртача даражадан анча юқори, кўрсаткичлар ҳам ёмон эмас. Бу йилда текшириш учун қабул қилинган ишларнинг умумий миқдори анча кўпайди, уларни тўхтатиб қўйиш қамалди. Ишларни қўшимча текшириш учун қайтариш озаиди.

Шуниси ибратлики, бажарётган ишларнинг ҳажми мунтазам суратда ёшиб борган билан суриштирув хизмати ходимларининг миқдори аввалгича қолмоқда. Бошқача айтганда, тиниб-тинчимаслик, ҳалоллик, ўз куч-қувватини аямаслик, касб маҳоратини ошириш ҳисобига ишнинг сифатли бўлишига эришилмоқда. Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоиловдан суриштирув бўлини маси, унинг фаолияти ҳақида газета саҳифаларида ҳикоя қилиб беришга муносибми деб сўраганимизда, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан маъқуллагани бежиз эмас.

Суриштирув чоғида қонунни бузишга йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, ана шу хизматга топшириладиган текширувлар мобайнида бирор кишининг ҳам ҳуқуқи ноқонуний равишда камситилмаган. Ўтган йилнинг шундай даврига қараганда анча кўп ишлар якунланди ва судга оширилди, тўхтатиб қўйилган ишлар анча кам бўлди.

Бор-йўғи тўрт киши меҳнат қиладиган суриштирув бўлини маси ички ишлар идораларининг кекса ходими, ички хизмат подполковниги Комилжон Аҳмедов раҳбарлик қилмоқда. У қирқ йиллик меҳнат стажига эга, ИИБ тизимида ўттиз йилдан бери ишлаб келади.



Тошкент ҳуқуқшунослик олийгоҳини тугатгач, Комилжон ака прокуратура идораларида ишлаб боради, ўн икки йилдан сўнг уни ички ишлар идораларига юбордилар. Бу ердаги хизматни у Тошкент вилояти ИИБда терговчиликдан бошлади. 1969 йилда кадрлар аппаратида ишлади, бу ерда бўлини бошлиғи бўлди. 1981 йили ИИБ штаби ички ишлар идораларини назорат қилиш бўлини масининг бошлиғи этиб тайинланди, суриштирув хизмати ташкил этилгач, уни бошқара бошлади. К. Аҳмедов ҳалол, ғоятда синчков, ҳозиржавоб инсон. У бой тажрибасини ёш ходимларга саҳийлик билан ўргатади. Унинг икки ўғли ота изидан борди ва ички ишлар идораларида хизмат қилишмоқда.

— Эришган муваффақиятларимиз учун, — дейди подполковник К. Аҳмедов, — бизга доимо зарур услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келаётган республика ИИБ суриштирув хизмати раҳбариятидан, айниқса унинг бошлиғи Руслан Александрович Вишняков ва ушбу хизмат ходимларидан жуда ҳам миннатдоримиз.

Комилжон ака ҳозир ҳам ёшлардек бардамлик билан ишламоқда. «Йиллар, албатта, ўз таъсирини кўрсатмоқда, — дейди у. — лекин тетик бўлиш учун бор имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиламан: ҳар куни бадантарбия қиламан, муздек сувда ювинаман, имкони бўлганда, хизматдан бўш вақтда жисмоний меҳнат билан шугулланаман». Унинг деярли бутун ҳаёти жиноятчиликка қарши кураш ишига бағишланган.

К. КАМОЛОВ.

Суратда: ички хизмат подполковниги К. Аҳмедов.

ТАХТА ЎҒРИЛАРИ

Нўъмон Қосимов 1961 йилда туғилган. Риштон район Оқер кишлоғида яшайди. Илгари судланганига қарамай бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади.

Нўъмон Сўҳобод қишлоғида Ёқубжон Аҳмедов деган кимса билан тил бириктиради. Улар Келдиев номли жамоа ҳўжалиги 14-бригадаси дала шийпонига

кириб, полдан тахталарни кўчириб олиб кетадилар.

Во ажаб, шийпон тахталари икки ошнага нега керак бўлди экан?

Тергов жараёнида бу сир маълум бўлди. Янги қурилатган

уйга тахта етмай қопти.

Начора?! Ўғрилик — барибир ўғирликда. Яқинда Риштон туман халқ суди Нўъмон Қосимовни уч йилга, Ёқубжон Аҳмедовни 2 йилга озодликдан маҳрум этди.

Абдулҳаким АХМЕДОВ,
«Постда» жамоатчи мухбири.

ИБОДУЛЛАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

УНИНГ саргузаштлари бундан ўн икки йил олдин Тошкентда бошланган эди. Ўшанда милиция ходимлари унинг шахси хусусида қизиқишган, қамокқа олиш ҳақидаги қарорни кўрсатиб, тергов изоляторига кузатиб қўйган эдилар. Тергов, юзма-юз учратишлардан сўнг, ниҳоят, суд ҳам бўлиб ўтди. Собир Раҳимов тумани халқ судининг ҳақами ва халқ маслаҳатчилари Гиждувон туманида туғилган 25 яшар йигит Ибодулло Исмаиловнинг чин дилдан изҳор этилгандек туюлган пушаймонига ишондилар ва содир этган товламачилиги учун нисбатан енгил жазо белгиладилар: у икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Алдоқчилик ва товламачилик йўли билан осон пул топишга иштиёқманд бўлиб қолган И.Исмаилов озодликка чиқиши биланоқ эски «хунар»и билан шугуллана бошлади. Милиция ходимлари бу

гал уни ўз эътиборларидан қочирмадилар. Бир йилдан сўнг қўлга олинган Ибодулло энди беш йилга озодликдан маҳрум қилинди. Беш йиллик муддат ўз ҳатти-ҳаракатларига ҳар томонлама баҳо бериш ва янги ҳаёт бошлаш учун етарли, албатта. Лекин у озодликда узок вақт бўлмади, яна Ўзбекистон Республикаси Жиноий Мажмуасининг 129-моддасига асосан ҳукм қилинди, қамокдан қутулиб келганига икки ярим йил бўлганда И.Исмаилов яна эски хунарини бошлаб юборди. Унинг «фаолият»идан бир мисол келтирмоқчиман.

У Вобкент туманидаги ал Бухорий номли жамоа ҳўжалиги 4-бригадасига «такси»да келиб, ўзи танимайдиган Фозил Х.нинг уйига кирган ва ўзини йирик савдо ташкилотларидан бирининг омбор мудири деб таништирган. Товламачиликда анча катта

тажриба орттирган Ибодулло соддадил деҳқоннинг ишончини осонгина қозониб олган. Тўй ўтказиш учун ароқ кидириб юрган Фозил Х. билан йўлга озмоз савдолашган товламачи осонгина 10 минг сўмни чўнтагига урган. Деҳқоннинг ўғиллари Бозор ва Намоз билан ўзи йўқ омборга йўл олган И.Исмаилов кўзни шамғалат қилиб, чеккароқда кутиб турган «такси»га ўтириб жўнаворган.

Юз берган воқеадан хабар топган тергов идоралари товламачини дарҳол тутдилар, унинг айбдорлиги хусусида рад этиб бўлмайдиган далиллар тўпланди. Вобкент туманининг халқ суди жиноий иш материалларини ўрганиб чиқиб ва И.Исмаиловнинг товламачилик борасида катта стажга эгаллигини ҳисобга олиб, уни алоҳида хавфли жиноятчи деб топди. Исмаилов алоҳида режимдаги аҳлоқ тузатиш-меҳнат колониясида 7 йил муддатга «меҳмон» бўлади, шу билан бирга кишиларга етказган моддий зарарларни ҳам тўлайди.

ЕЗУЕВ,
милиция майори.

ТАШМАЧИЛАР БЎЛМАСИН

ЖАМИЯТИМИЗДА шундай кишилар ҳам борки, улар фақат ўзини ўйлаб давлат мулкани ташисам, дейди. Бундайларни биз оддийгина қилиб «ташмачи» деймиз.

Янгиобод шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлини маси ходимлари ҳам уларнинг йўлига ров бўлишмоқда. Шулардан иккита мисол келтирмоқчиман.

11 июнь куни милиция майори А. Ўринбоев, милиция старшинаси О. Қаршибоевлар «Италмас» кичик корхонасида

қоровул бўлиб ишловчи Мирқул Алимқуловни қўшни корхона омборидан тўрт дона темир арматура олиб чиқиб кетаётган вақтида қўлга туширдилар. М. Алимқуловга халқ суди томонидан 3500 сўм жарима солинди.

Худди шу куни ушбу ходимлар томонидан яна бир

шахс — Ангрен керамика комбинатида катта мастер бўлиб ишловчи Юрий Яковлевич Гнутов зангламайдиган тунукаларни олиб чиқиб кетаётганида қўлга олинди.

М. МИРЗААХМЕДОВ,
Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи,
муовини, милиция майори.

НАТИЖАЛАР АНЧА ЯХШИ

«Кўриқлаш» бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлини масларининг етти ойлик хизмат фаолиятлари якуний таҳлили яхши натижаларга эришилганини кўрсатмоқда. Ходимларимиз давлат ва фуқаролар мулкани сақлаш, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш борасида самарали ишларни амалга оширдилар.

Иктисодиетимиз ўнгланиб келаётган бир пайтда қўлидан иш келадиган ҳар бир киши тараққиётимиз учун ўз улушини қўшмоқда. Бироқ мана шундай пайтда ҳам давлат, жамоат ва фуқаролар мулкига тажовуз қилувчилар учраб турибди. Аммо ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлини маслари ходимлари бундай жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш олиб бормоқдалар.

Маълумки, кўриқлаш хизмати асосан мол-мулк ҳимоясига ихтисослашган бўлиб, хизмат ташкил этилгандан буён корхона, муассасаларнинг мулкни, шунингдек фуқароларнинг шахсий мулкларини ҳимоялаб келмоқда.

Ҳар қандай кўрсаткич ҳам таққослангандан кейингина ўзининг қай даражада эканлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам агар ўтган йилнинг етти ойи билан мазкур йилнинг ана шу даврини таққослайдиган, солиштирадиган бўлсак, кўрсаткичлар ёмон эмаслигига иқроор бўламиз. Хусусан, кўриқланаётган объектларда содир этилган ўғирликлар сони 42,3 фоизга камайди. Бу кўриқлашнинг ишончлилиги қарийб 50 фоизга ошганини билдиради. Бундан ташқари, республика кўриқлаш бўлини маслари ходимлари томонидан 984 жиноят очилди ва олди олинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга кўпдир.

Ғанимиз куруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат қиламиз.

Сирдарё шахрилик Фахриддин исмли сомсапаз йигит ўз касбининг бир кечага алмаштиришга қарор қилди. Соат 22 лар атрофида нефть маҳсулотлари базасидан 600 метрлик юқори қувватли электр симини ўғирлаб кетаётган пайтда кўриқлаш бўлини маслари — милиция старшинаси Иброҳим Эшонқулов, оддий милиционер Валижон Нуртоев, милиция кичик сержанти Абдуалим Тошмухамедовлар томонидан тутилди. Ҳа, одамларга ҳамма нарса керак, ҳатто юқори қувватли электр симлари ҳам, аммо айримларнинг зарур бўлиб қолган нарсани бировларнинг ҳисобидан ундириб олишмоқчи бўлишгани ёмон-да. Ҳозирда ушбу иш юзасидан тергов олиб боришмоқда.

Яна бир мисол. Улутбек исмли йигитга ёзнинг иссиқ кунларида уйда музлатгичнинг йўқлиги алам қилди. Бу камчиликини ўзи ишлаётган нон комбинати ҳисобидан тўлдирмоқчи бўлди. У «Снежинка-3М» музлатгичини ўғирлаб кетаётганда кўриқлаш бўлини маси бошлиғи, милиция капитани Асилбек Мамбетов, шу бўлини маси взвод командири, милиция сержанти Бахтиёр Йўлдошевлар томонидан қўлга олинди.

Кўпгина аҳоли яшаш жойларида кўриқлаш бўлини масларининг милиция гуруҳлари, асосан тунги пайтларда, жамоат тартибини сақлашни таъминловчи ҳақиқий ва ягона куч бўлиб келмоқда. Кичик шаҳар, туман марказларида пост-патруль хизмати бўлмаганлиги учун улар милиция бажариши лозим бўлган барча ишлар билан ҳам шугулланишмоқда. Шунинг учун кўриқлаш милиция бўлини масларини халқда «тунги милиция» деб атайдилар.

Қарши шаҳар кўриқлаш бўлини маслари милиция сержанти Асрор Жабборов, милиция кичик сержанти Ўбайдулло Кенжаевлар ўзларига бирктирилган иш-оолларни кўриқлаб юрганларида Насаф кўчасидаги «Олтин бошок» қаҳвахонасининг кўнгириги ишлаб турганини кўриб

қолишди. Зимдан келиб қарашса ичкарида кимдир юрган экан. Тезда ўғри қўлга олинди. Жиноий иш қўзғатилди. Бино эса муассаса қоровули томонидан кўриқланади. Ўғрини тутиш унинг вазифаси. Аммо...

Бундан ташқари кўриқлаш бўлини маслари ходимлари жамоат тартибини сақлаш, маъмурий ҳуқуқбузарларни тутишда ҳам кўп иш қилишмоқда. Ўтган етти ой мобайнида улар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун 61 минг 559 киши ушланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоиз кўп.

Милиция ердамига мухтож бўлган одам унинг қаерда ишлашини сўрамайди, албатта. У қайси соҳада хизмат қилмасин — давлат автомобиль назоратида, балогатта эмаганлар билан ишлаш назориятида ёки кўриқлаш бўлини маслари — фуқаролар учун у милиция ходими. Осовишталик посбонлари эса куннинг қайси вақти бўлмасин уларга ёрдам қўлини чўзиши керак.

Кўриқлаш бўлини маси ходимлари бунни жуда яхши тушунишади. Шунинг учун ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларга иложи борида ёрдам беришга ҳаракат қилишмоқда. Аксарият ҳолларда эса жабранувчи бошига фалокат тушганини ҳали билмасданок ходимларимиз жиноятни очиб қўйишади. Яқинда Ширин шаҳрида шундай бир воқеа юз берди.

Машинасини пуллик автомобиллар тўташ жойига қўйган Неъмат Гайбуллаев жуда хотиржам эди. Чунки, пулини тўлаб қўйдим, энди кўриқлашади-да, деб ўйлаганда. Аммо... Владислав номли йигит «Москвич»ини ўғирлаб кетганини билмай ҳам қолди. Владислав «Халқлар дўстлиги» кўчасида ҳовлиқиб кетаётганида МКП милиционерлари милиция старшинаси Ўқтамжон Ҳожибоев ва милиция катта сержанти Тошмамат Нормаматовлар томонидан қўлга олинди.

Кўриқлаш бўлини масларининг вазифаси кўриқланаётган объектларни фақат четдан келган жиноятчилардан ҳимоя қилишгина бўлмай, балки у ердаги моддий бойликларни шу корхона еки муассасасининг ўз «шахсий» ташмачиларидан ҳам ҳимоя қилишдир.

Бошқа барча йўналишлар каби бу борада ҳам бир қадар ижобий натижаларга эришдикки, бунни рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Ўтган етти ой ичида иктисодиёт объектларидан майда талончилик қилгани учун 12 минг 210 киши ушланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 12 фоизга кўп демакдир. Ушбу ташмачилардан салкам етти миллион 600 минг сўмлик моддий-товар бойликлар тортиб олинди ва давлатга қайтарилди.

Бир сўз билан айтганда кўриқлаш бўлини маслари ўтган даврда ўз олдидиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажардилар. Аммо бу ҳамма ишлар сип-силиқ кетаяпти дегани эмас. Муаммолар бор. Улар асосан нарх-навонинг ошиши, пулнинг кадрсизланиши билан боғлиқ иктисодий муаммоларки, улар ходимларимиз ўз хизматларини кўнгилдагидек ўташларига асло тўсқинлик қилолмади.

Э. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ҳузуридаги «Кўриқлаш»
бирлашмаси бошчилигининг
ўринбасари, милиция
подполковниги.

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар. 5.35 Эртапакки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилликлар. 8.20 "Лялька-Руслан ва

унинг дўсти Санья". Болалар учун телевизион бадий фильм. 9.30 "Бизнинг ишимиз шунақа". Нефть ва газ саноати меҳнаткашлари ҳақида. 10.00 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилликлар. 11.20 "Америка М.Таратута билан". 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар". 15.10 "Ҳайвонот оламида". Режиссёр А.Зурди фильмлари. "Қор одам изидан". Бадий фильм. 16.20 Мультфильм. 16.30 "Этикод". Святогорск монастыри тарихи ҳақида (Славянск шаҳри). 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништилади: "Россия ва Кавказ". 17.45 "Инсон ва қонун". 18.15 "Америка М.Таратута билан". 18.45 "Мўжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичиктойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Ҳафтанинг машҳур кишиси". 20.40 "Детективлар клуби" да. "Сунни". Ун уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия. 21.45 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таништилади: 22.00 "Сиёсий бюро". 22.35 "Музобоз". 23.50 "Авто-шоу". 00.50 "Юлдузли тўлқин". Севастополдаги "Обоз майдончаси". 2-қисм. Танафус пайтида (23.00) Янгилликлар.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Мўмин-қобил йўлбошчилар". 8.30 "Санъат майдони". 8.55 "Дахлсиз Давша". Хужжатли фильм. 9.15 "Оқ қарға". 10.00 Россия қобусомаси. "Иван Прянишников". 2-қисм. 10.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 213-серия. 11.20 Мульт-пульти. 11.30 "Телематн". 11.35 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 12.30 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 12.50 Россия телевизион театри. Т.Уильямс. "Миссис Стоунинг Рим баҳори". 13.50 "Ўз-ўзига режиссёр". 14.20 "Рост" студияси. "15 ёшли капитан". 14.50 Янгилликлар. 15.05 Жума кунлари Дисней. "Севги йўл кўрсатади". Бадий фильм. 1-серия. 15.55 Трансроссфид. "Вилоят". 16.30 "Рек-тайм".

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Телеэкранда — премьер. "Океан". Кўп серияли бадий фильм. (Италия, АҚШ, Испания). 1-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Кечки салон". 23.05 Репортёр. "Ашрам". 23.25 Телеэкранда — премьер. "Она бўри". Бадий фильм (Польша).

ШАНБА

4 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Рақс гулдастаси". 7.50 Дунё воқеалари. 8.05 "Менинг филм бўл". Мультфильм. 8.20 Шифокор маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Махтумқули". Бадий фильм. 10.35 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим". 11.05 Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. "Нақшбанд ва мумтоз адабиёт". 11.50 "Қишлоқ ҳаёти". 12.20 ЎзТВ хазинасида. Ўзбекистон композиторлари. Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров. 13.55 "Бола бошидан". Мактабгача тарбия масалалари. 14.35 "Ислоҳот одимлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Кўнгирикча". 18.40 "Гулла, яшна, Ўзбекистоним!" Телефильм. 19.00 Тазквандо бўйича Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари чемпионати. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Наврўз нашидаси". Телефильм. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 "Оламга саяҳат". Кинокўрсатуви. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ТЕАТРАРИ ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. ҲАЙРИДДИН СУЛТОН.

"ЗАРҲОВУЗ БЎЙЛАРИДА". Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг спектакли. 23.50 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.
"ОРБИТА IV"

5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 "Иш-билармон кишининг шанба тонги". 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Спорт-имконият". 8.00 "Марафон-15" таништилади. 8.25 Эфирда "Мир" телекомпанияси. 9.50 "Мулкдор алифбоси". 10.00 "Авиакосмик салон". 10.15 "Бумеранг". 10.45 Абхазияда уруш йиллари истиқомат қилган кишилар тақдир ҳақидаги телефильм премьераси. ("Каскад" студияси). 11.15 "Муслиқ дўкон". 11.45 "Ва яна халқаро телевизион анжуман...". 12.15 "Ҳокимият сиймоси". 12.30 Режиссёрлар В.Краснопольский ва В.Усков фильмлари. "Стюардесса". "Тўртинчи дада". "Апрелда ўрмонда". 14.00 Янгилликлар. 14.25 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадий фильмлар премьераси. 14.50 "Пул ва сиёсат". Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида. 15.20 "Эдуард Асадов. Курашман, ишонаман, севаман". Шоир туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган хужжатли фильм. 16.00 "Қизил квадрат". 16.40 "Ақлли кучук Соля". Мультфильм премьераси. 16.50 "Санъат қасри". 17.40 "Оба-на". 18.10 "Аккерман қалъасидаги бодрезак". 18.50 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Ти Жей Хукер". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичиктойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Бундан буён ва асрдан асрларга". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-фильм. 2-қисм. 21.10 "Резонанс" студияси таништилади. 21.30 "Брэйн ринг". 22.20 Париждан Л.Паваротти концерти олиб кўрсатилади. Танафус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 00.35 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "Винил чангалзорлари". 8.25 "Мегаполис". 8.55 "Рост" студияси. "Якуллар". Бизнинг "Аралаш". 9.25 "Пилигрим". Россия саяҳатлар бюроси. "Тибет — афсоналар ва ҳақиқат". 10.10 "Москвагача олис". 10.55 Биз севган комедиялар. "Автомобилдан сақланг". Бадий фильм.

12.25—15.20
"ЎЗБЕКИСТОН"
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.35 "Ўзбекистон — қадрдон уйим". 13.35 "Безнен мирас" (татар тилида). 14.25 "Американинг ҳайвонот дунеси". 15.15 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.20 "Омад қулиб боққанда". 16.20 "К-2" таништилади: "Америка юлдузлари". 16.50 "Бедор вахта".

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Телеэкранда — премьер. "Океан". Кўп серияли бадий фильм (Италия, Испания, АҚШ). 2-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Кўздан гойиб бўлаётган манзара". Лев Аннинский кўрсатуви. 22.20 "Каунтдаун". Оммабон куйлар янгиллари. 23.15 Стан Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништилади. "Сариқ сувости кема" клуби. 23.45 Телеэкранда — премьер. "Она бўрининг қайтиши". Бадий фильм (Польша).

ЯКШАНБА

5 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун. "Тонги салом". 9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видефильм. (Хиндистон). 30-31-сериялар. 10.30 "Ҳаётимиз келажаги". 11.10 "Мушора". 11.40 "Соғлом авлод учун". 12.10 "Аждодлар мероси — хазина". 12.40 "Хужжатли экран". "Ўзбекистон" студиясининг янги махсулотлари. 13.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Доин Зокиров номидаги халқ чоғу оркестрининг концерти. 13.50 "Қизил Ярмоя

шуъласи". 14.20 "Истиқлол йўлида".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Кучукча ва эски шипак". "Бахтиёр Григорий". "Сеҳрли сандиқ". Мультфильмлар. 18.30 "Саноатимиз одимлари". Нефть ва газ саноати ходимлари кунига. 19.00 Тазквандо бўйича Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари чемпионати. 19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида). 20.00 "Ойнаи жаҳонда". 20.15 "Қўқон аёли". "Тановар" миллий рақс ансамбли ижросида спектакль премьераси. 21.00 "Ҳафтанома". 21.40 "Майсаранинг иши". Бадий фильм. 1-2 сериялар. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II
7.00—12.00

17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
"ОРБИТА IV"

5.40, 7.30, 18.00, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилликлар. 7.35 "Авто-шоу". 7.50 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларининг энг сўнггиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалигиди". 9.30 "Спортлото" тиражи. 9.45 "Соло". Р.Ҳамзатовнинг ижодий йўли ҳақида. Шоирнинг 70 йиллиги. 10.20 "Полигон". 10.50 "Янги авлод... Ютуқ". 11.30 "Ўтмишдан чопар". 12.10 Мультфильм премьераси. 12.20 Волейбол. Европа чемпионати. Эркаклар. Россия — Украина терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.

"КТВ-I" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади: 13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилликлар. 14.15 "Саёҳатчилар клуби". 15.05 Ксения Георгиади куйлайди. 15.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ачина оловчилар". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатуви. 17.40 "Хунарли хор бўлмади". 17.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.05 "Матадор". Парижда юсак савиядаги модалар ҳафтаси. 1-қисм. 19.05 Киношарҳ. 19.30 Телеэкранда биринчи марта. "1000 доллар бир томонга". Бадий фильм. ("Мосфильм" киноконцернининг киностудияси). 20.55 Эълонлар.

21.00 "Якуллар". 21.50 "Матадор". 2-қисм. 22.50 "Рус қошини". Телефильм. 23.00 Янгилликлар. 23.15 Волейбол. Европа чемпионати. Эркаклар. Финляндия — Россия терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади. 24.00 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. "Крилья Советов" (Москва) — "Молот" (Пермь). 3-давр. "Крилья Советов" саройидан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Хайрли тонг! "Европа плюс" Россия телевидениесининг меҳмони. 7.55 "Чотқол сўқмоқларида". Хужжатли фильм. 8.10 "Киноқўзғу". "Тире белгиси". Хужжатли фильм. 9.10 "Рост" студияси. "Азамат йигитлар". 9.40 "Агар сиз...". 10.10 "Ати-бати...".

10.40—14.00
"ЎЗБЕКИСТОН"
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

10.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 10.50 Экология ва саломатлик "ЭКОСАН" жамғармасининг хабарномаси. 11.35 "Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида". 12.05 "Дийдор" (қозоқ тилида). 13.00 "Шарқ дурдоналари". 13.45 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.00 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 14.50 "Ҳайвонот оламида". 15.50 "Диснейнинг сеҳрли олами". "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 16.40 Мульт-пульти.

16.50—18.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.40 Эй-Би-Си яқшаанба оқшоми. "Иерихон миллари". Бадий фильм. 20.25 Муслиқ кўрсатуви. 20.40 "Владимир Познернинг Америкаси".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "А" программаси. 22.35 Е.Светланов. "Оркестр репетицияси пайтидаги дилкаш суҳбат".

("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан олинган).

БЕҲАЛОВАТ КИШИЛАР

Тўрақўрғон давлат автомобиль назорати ходимлари йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида бутун куч, имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар.

Ўтган 6 ой мобайнида қилинган ишлар ибратлидир. Ҳайдовчиларнинг интизомини яхшилаш ва транспортдан фойдаланишда амалдаги қоидаларга риоя этишни таъминлаш мақсадида автохўжаликларда транспортларни сақлаш бўйича 18 марта текшириш ўтказилди. Транспортларни сақлаш тартибини бузган 70 та ҳайдовчи

киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Баъзилари бир умрга майиб бўлиб қолдилар. Масалан, Шоҳидон гишт заводи ишчиси Қажомбой Турдиев "Восход" русумли мотоциклида кетаётган ҳалокатга учради. Натижада йўлда ҳалок бўлди. Ёки бўлмаса Хўжанд савдо ташкилотларига қарашли 16-дўкон мудири Бахтиёр Нишонов маст ҳолда Л42-17 НА белгили автомобилнинг бошқариб бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. ДАН ходимларининг бирдан-бир мақсади — йўлларда транспорт қатновини тўғри йўлга солиш,



аниқланиб, 45 тасига жарима солинди.

Автохўжаликларда, мактаб ва жамоат жойларда 105 марта суҳбатлар ўтказилди, унда 20301 ҳайдовчи қатнашди. 20 мартдан автохўжалик ва корхоналарда техника кўриги ўтказилиб келинмоқда.


Давлат тасарруфидаги 1050 ва шахсий фойдаланишдаги 2030 дан ортиқ автотранспорт кўрикдан ўтказилди.

Туманимизда май-июнь ойларида "Тоза ҳаво" тадбири ҳамда "Диққат, темир йўл"

бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан иборатдир.

Қилинган ишларни таҳлил қилар эканмиз, ДАН бўлими ходимлари бекор юрмаганини, ўз устида ишлаётганини гувоҳи бўламиз.

Айниқса, ДАН ходимларидан милиция лейтенанти Абдулахад Акбаровнинг номини алоҳида таъкидлашни истардик. У ўз касбини, вазифасини яхши билади. Шу билан бир қаторда мактаб ўқувчиларини "Светофор" мусобақаларига тайёрлашда ҳам ўз ёрдами



рейди ўтказилди. Рейд давомида темир йўл ўтиш жойлари ҳолати яхшиланди, йўл белгилари ўрнатилди.

Қоидабузар ҳайдовчиларни аниқлаш бўйича ҳам рейдлар ўтказилди. Унда 90 нафар қоидабузар ҳайдовчи аниқланиб, уларга тегишли чоралар кўрилди.

114 ҳайдовчининг иш жойига маъмурий чора кўриш учун баённомалар юборилди. 4013 та ҳайдовчига жарима солинди, 109 ҳайдовчи огоҳлантирилган бўлса, 8 нафар ҳайдовчи транспорт бошқариш ҳуқуқидан марҳум этилди.

Шу йилнинг 6 ой давомида 26 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, унда 4 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди, 33 киши эса турли даражада тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан анча кам.

Шу ўринда бахтсиз ҳодисага сабабчи айрим қоидабузарларни айтиб ўтмоқчимиз. Уларнинг айби билан юқорида таъкидланганимиздек, бир неча

аямайди.

Йўл-патруль хизмати назоратчиларидан милиция сержанти Олимжон Тожибоев, Саидумар Раҳматуллаев, милиция старшинаси Ўринбой Шарофиддинов, Ҳакимжон Шерматовлар ҳам ўз ишларига пухта. Бирорта ҳам қоидабузар улар назардан четда қолмайди.

Энди ким қонда бузса ҳамёнига катта зарар етказди.

Хуллас, ҳеч ким онадан жиноятчи ёки қоидабузар бўлиб туғилмайди. Фақат йўл белгиларига бефарқлиги, қоидаларни менсимаслиги оқибатида бошига ташвиш келтиради, ҳолош. Шундай экан йўлим бежавотир, беташвиш бўлсин десангиз, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилинг.

А. СОДИҚОВ,
Тўрақўрғон тумани ДАНБ

бошлиги, милиция майори.
Сурагларда: ДАН ходимлари хизматда; қоидабузарлардан олиб қўйилган мотоцикллар.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ
олган суратлар.

ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДАН

Замонавий тараққиёт йўлини танлаган дийдор оқоинчилигининг барқарорлиги ҳамма нарсадан қадри ва аҳамиятлидир. Халқ оқоинчилигини посбонлари буни чуқур англаб, зиммаларига юклатилган вазифани бекаму кўст ууддалашга ҳаракат қилаётганлар. Бироқ ҳамма жойда бўлгани сингари иқтисодий танглик пайтида юз бераётган жиноятлар, айниқса, ёшлар томонидан содир этилаётган қонунга зид ҳаракатлар халқимизни безовта қилипти.

Бундай пайтда эл-юрт орасида обрў-этибор қозонган, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган кексаларимиз ёрдамга, уларнинг панд-насихатию тажрибасига эҳтиёж сезамиз. Шу боисдан жойларда ички ишлар маҳкамалари фахрийларининг Кенгашлари тузилиб, улар оқоинчилиги посбонлари билан ҳамкорлик қилаётгани кўнгилларга таскин беради.

1993 йил 10 июль куни вилоятимизда ҳам ички ишлар фахрийларининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимияти ички ишлар бошқармаси йигингоҳига вилоятимиз шаҳар ва туманларида истиқомат қилаётган истеъфодаги ички ишлар ходимлари тўпланишди. Йигилишни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Р. Каримов кириш сўзи билан очиб, кўп миллатли вилоятимизда жиноятчиликнинг бугунги аҳволи, унга қарши кураш ва бу борада қўлга киритилган ютуқ ва ҳозирча режа босқичида қолаётган юмушлар тўғрисида батафсил гапирди. Жумладан, нотиқ вилоят ҳокимияти томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамнинг кўламини ва бунинг натижасида шу кеча-кундузда юз берган жиноятларни фош қилиш ўтган йилга нисбатан 5 фоизга ошганлигини алоҳида таъкидлади.

Республика Қуролли Кучлари ҳамда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги фахрийлар Кенгашининг раиси,

истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Ҳ. Сирожиiddинов ўз навбатида сўзга чиқиб, мустақил, жамоатчилик асосида ишлайдиган фахрийлар Кенгашининг мақсад ва вазифалари билан йигилгаларни таништирди.

Ташкилий анжуманда 12 нафардан иборат вилоят ички ишлар фахрийларининг Кенгаш ҳайъати тузилди. Кенгаш раислигига халқ оқоинчилиги йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган Ёрқул Узоқов сайланди. Йигилишда истеъфода бўла туриб, халқ оқоинчилигини сақлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фахрийларга мақтов ёрлиқлари, кўкрак нишонлари топширилди.

Фахрийлар номидан сўзга чиққан вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси Иброҳим Норов, фахрийлар Игор Возисов, Ҳожи Қодировлар бу Кенгаш вилоятимиз аҳолиси ўртасида тинчлик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга, ёшлар тарбиясига самарали таъсир кўрсатишига ишонч билдиришди.

Йигилишда барча вилоят фахрийларига Мурожаат қабул қилинди.

Анжуман қатнашчилари Карманадаги Улуғ Ватан уруши ёдгорлигини зиёрат қилиб, одатимизга кўра бир пиёла чой устида ҳамсухбат бўлдилар. Навоий тумани маданият бўлимига қарашли санъат ихлосмандлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар отахонлар дилини яйратди.

Санд МУҲАМЕДОВ,
Навоий вилояти ички ишлар
бошқармаси матбуот гуруҳи ходими.

Қаринг бор — паринг бор, дейишдади халқимиз. Тўғри-да, узоқ йиллар ҳалол хизмат қилиб, катта тажриба ортирганлар сўзини тингласанг, ҳали ўзингда малака етишмаслигини юракдан ҳис этасан. Бу борада Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси фахрийлар Кенгаши иши диққатга сазовордир. Кенгашга бир неча йилдан бери Мелик ака Жўраев раҳбарлик қилмоқда.

Фахрийлар Республикаимиз Президенти И. А. Каримовнинг мустақил юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳақидаги маърузаларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идораларида давр сиёсати юзасидан тарғибот ва ташвиқот юритмоқдалар. Айниқса, мураббийчилик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Муҳими, бу борада Кенгашнинг ўз дастур ва режалари бор. Бошқарма раҳбарияти билан ҳамкорликда иш тутиб, жойларда фахрийлар Кенгаши ишини жонлантиришга амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Ички ишлар идораларида ўтказиладиган катта-кичик тадбирлар фахрийлар иштирокисиз ўтмайди. Жумладан, шу йил ўтказилган Наврўз, “Ғалаба куни” ва бошқа байрам-тантаналарда фахрийлар фаол иштирок этишди. Шунингдек, Наврўз байрамида 20 нафар фахрийга 40 минг сўм моддий кўмак берилди. Аҳволи ночор 6 нафар кишига 3 минг сўмдан 18 минг сўм, “Ғалаба куни” муносабати билан 47 нафар фахрийнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан 470 минг сўм моддий ёрдам пули берилганлиги фахрийлар Кенгашининг намунали ишлаётганлигини далолатдир.

Фахрийларнинг саломатлигидан ҳар доим хабар олиб туриш яхши йўлга қўйилган. Шу йил 68 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олинди. Бемор фахрийларга бошқарма солиқни сақлаш бўлими томонидан дори-дармон билан таъминлашда эътиборга молик

ишлар қилинди. Ушбу йилда вафот этган 4 нафар фахрийнинг дафн маросимида иштирок этишиб, керакли ёрдамларни аямадилар.

Фахрийларнинг яхши дам олиши ва санаторийларда даволаниши учун гамхўрлик кучайтирилмоқда. Шу йилнинг етти ойида 38 нафар фахрийга санаторийларга йўлланма берилди. Шунингдек, фахрийларни уй-жой қурилиши учун ер участкалари билан таъминлашда мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиниб, бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда.

— Яхшидан от қолади, — дейди Кенгаш раиси, истеъфодаги полковник Мелик ака Жўраев. — Халқимиз оқоинчилигини сақлашда ва Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашда ҳалол хизмати билан фидойилик кўрсатган, шунингдек хизмат чоғида мардларча ҳалок бўлган марҳумлар номини абадийлаштиришга эътиборни қаратаёلمиз. Ҳозирга қадар 15 нафар ички ишлар соҳасида хизмат қилганлар номини абадийлаштириш режасини маҳаллий ҳокимликларга тавсия этдик. Шулардан айримларининг номи кўча ва мактабларга қўйилди. Кенгаш аъзоларидан Аҳмад Остонов, Зайниддин Рашидов, Абдурахмон Иброҳимовлар фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳар бир йигинимизда бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Шавкат Салимов иштирок этиб, олдимизга янги вазифалар қўймоқда ва яқиндан кўмак бермоқда.

Шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлашда, қонунчиликдаги янги ўзгаришларни тушуниришда ва мураббийлик ҳаракатини кенг қулоқ ёйдиришда бошқарма фахрийлари Кенгашининг муносиб ўрни борлигидан бошқарма раҳбарияти ва жамоаси миннатдор.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи
катта нозири, ички хизмат катта
лейтенанти.

ШУКУҲЛИ УМР

Инсон ўз саховати билан бу фаний дунёда ўз боғини яратишга қодирдир. Зеро, эзгулик йўлида ташланган қадам ҳаммаша ёруғлик оstonаси сари етаклаган. Умр — инсонга берилган синов довони. Бу довон мангуликнинг нури эксонлари ила янада порлоқдир. Кимки ўз ақл-заковати, ишчанлиги ва саховатпешалиги билан иш тутса, унга Оллоҳ чексиз бахт ҳадаи этгусидир.

Тоҳир ака Равшанов ҳаётда камсуқум ва камтарлиги билан одамларнинг юрагидан жой олди. Камтарга камол, деб халқимиз бежиз айтмаган-да. Эгнига мундир илибдики, у бундан манфаат изламади. Аксинча, халқ билан бирга иш тутди. Милиция соҳасида йигирма йилдан ортиқ ҳалол хизмат қилиб келди. Қарангки, узоқ йиллар бир соҳада, у ҳам бўлса мавзе назоратчиси вазифасида ишлади. Бу вазифанинг ўзига яраша оғир томонлари бор. У ўз участкаси бўйича ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун жавобгар. Энг яхшиси, одамлар билан тил топиш шарт. Йўқса игна йўқотган кишидек бесаранжом бўлиб юриши тайин. Батъи бири мавзе назоратчилари одамлардан ўзини олиб қочиб юради. Гўё устидаги мундирига биров атайдан доғ суртиб, номини қора тутадигандай. Тоҳир ака ундайларни кўп кўрган. Кўплари ишдан четлашиб, уятдан ер чизиб қолишган.

Милиционерлик оғир касб. Ҳамиша хизматга шай бўлиб туриш шарт. Ўжарлик қилиш еҳуд талмовсираш бегона. Энг муҳими, нафсни тия билиш керак. Бировнинг ризқига беш панжасини урганлар вазифасидан е “учиб” кетган, е рўзғорида барака бўлмаган.

— Фуқаролар ҳам ака-укамиз, опасинтлимиз, — дейди Тоҳир ака. — Мелисман деб кўрқитиш еҳуд ранжитиш ўзини оловга уришдай гап. Ишда ҳаммаша уларга йўлдош бўлишга ҳаракат қилдим. Бир пиёла чой тутса, ўзимни олиб қочмадим. Қайтанга қишлоқда ким саёғу ким такасалтанглигини билишим осонлашди. Ахир ўғрини ким ҳам яхши кўради?

Ҳақ гап. Тоши енгил айрим ходимлар милиционерлик шаънига доғ

тушириб келишган. Ёмон гап ёмон-да. Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Шунинг учун у хушёр бўлиши керак. Т. Равшанов узоқ йиллар Касби тумани ички ишлар бўлимида мавзе назоратчиси бўлиб ишлади. Ҳалол хизматлари орқасидан оддий милиционерликдан милиция капитани даражасига етди. Яқинда Т. Равшановни ҳамкасблари нафақадорликка кузатишди. Тантанана туман ҳокими ўринбосари М. Номозов, ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори А. Ибодов, бошлиқ ўринбосари, милиция майори А. Бозоров, давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи, милиция майори С. Ашуровлар ўзларининг қалб сўзларини изҳор этдилар. Айниқса, “Ғалаба” жамоа хўжалиги раиси Қ. Ҳайдаровнинг сўзи кўпчилик эътиборини тортди.

— Мелисачиликдан нон топиб ейиш қийин. Лекин Тоҳир ака ўз вазифасининг уddасидан чиқди. Хўжалигимиздаги бирон оиладан сўраманг, у кишини албатта ҳурмат билан тилга олади. Усиз тўйу маъракалар ўтмаган. Ҳамиша жиноятчиликнинг олдини олишга куч сарф этиб келган. Кўнгилсиз воқеаларни ҳамкорликда ҳал этганмиз. У киши доимо ишда кишлоқ оқсоқоллари, қайновиларига таяниб иш тутган. Қани энди, ҳамма мавзе назоратчилари у кишига ўхшаса.

Раис жўшиб сўзлади. Сўнг хўжалик жамоаси номидан Т. Равшанов елкасига тўн епди. Ҳамкасблари ҳам уни муборакбод этиб, совғалар топширишди. Ҳамма хурсанд. Ҳамма ҳалол хизмат қилиб, Т. Равшановдай еши тўлғач, нафақа дорликка тантанали кузатилиш тарафдори бўлишди. Улар шу кунни ҳамкасбларидан яна бири — мавзе назоратчиси, милиция катта лейтенанти Ҳ. Жўраевни ҳам нафақадорликка кузатишиб, унга гул ва совғалар тақдим қилишди.

Ҳа, ҳалол хизмат қилган кишининг юки ерда қолмайди.

Ҳ. ҲУРОЗОВ.

ШУНДАЙ БЎЛИНМА БОР

Яқин-яқингача Зарбдор туманида соқчилик бўлинимаси бор деса, биров билса, биров билмас эди. Билганлар эса “Э, қоровулларми” деб қўштирноқ ичида гап қилишарди. Ушбу бўлинимага милиция подполковниги Абдулло Азимов бошлиқ бўлиб келдию, ишлар жонланиб кетди. Соқчилик бўлинимаси йигитлари нималарга қодир эканлигини намоён қила бошлашди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бошлиқ ишни энг аввало кадрларга нисбатан талабчанликдан бошлади. Бу батъи бировларга ёқмади, натижада бошқа жойлардан иш ахтариб қолишди.

Эътиборга лойиқ ишлардан яна бири шуки, соқчилик бўлинимаси кўримсизгина бинодан постлар билан алоқа қилишга қулай замонавий бинога кўчиб ўтди. Бу бўлинима йигитларининг кайфиятини янада ошириб юборди. Айни пайтда кадрлар кўнимсизлигига ҳам барҳам берилди.

Ҳ. ҚАЙНАРОВ,
милиция старшинаси.

Текин тешиб чиқди ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН ЎҒРИ

Аъзам Убайдуллаев 54 ёшга кирган, аммо умри бино бўлиб меҳнатга бўйин эгмаган. Қонун-қонда, тартиб-интизомга ён бермай яшаб келади. Шундан 29 йилни ўғрилиқ қилиш билан ўтказди.

Яқинда у Қўқон шаҳар бозорига таширф буюрган А. исмли аёлининг кўп миқдорда пул солинган сумкасини тортиб олиб, жуфтакни ростлаётганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Текинхўрнинг бу галги режаси барбод бўлди.

Қўқон шаҳар халқ суди жиноий ишни кўриб чиқди ва А. Убайдуллаевни 9 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

М. РАЖАБ.

“ДЎСТНИ ДЎСТ ДЕРМУ КИШИ...”

Нуриддин Айтбоев билан Жумёз Машариповлар Хоразм вилоятидаги Тупроққалъа далаларида чўпонлик қилардилар. Улар бирга ўсишган, оғир кунларида бир-бирларини суягувчи дўст, оға-ини эдилар.

Шу йилнинг 10 июль куни ораларидан ола мушук ўтди-ю, бири қурбон бўлди, бири қотилга айланди.

Уша кунни яйловга Хива тумани “Оғаҳий” жамоа хўжалигида яшовчи Қўзибой Отажонов ва Валерий Нюлар “УАЗ” русумли автомашинида қўй олиш учун келадилар.

Нуриддин ва Жумёз меҳмонларни яхшилаб кўтиб олишади. Кейин улар меҳмонлардан машинасида “телевишка”га бориб қўй ортиб келишни сўрайдилар. Қўйларни олиб қайтиб келарканлар йўлда пиво юкланган машинани кўриб қоладилар.

Икковлон ҳайдовчи Бекберган Ҳудойберганов билан савдони пиштишди. Битта қўй эвазига уч яшик пиво олишди.

Улар ўтовга қайтиб келишгач, меҳмонларни ҳам қўй билан сийлаб жўнатиб юборишди. Бу орада вақт алламаҳал бўлиб қолган, соат миллари 24 ни кўрсатарди. Нуриддин ва Жумёзлар роса пивохўрлик қилишди, “мастлик пастликка етаклайди”, деганларидек жанжал муштлашувга айланди. Жумёзни Нуриддин тош билан уриб йиқитди, буюм етмагандек ерда ётган болтани олиб бошига, бўйнига кетма-кет туширди.

Жумёз бу зарбалардан жон таслим қилди.

Нуриддин дўстини ўлдириб қўйганини кеч англади. Фарёд чекди, дод солди.

Нуриддиннинг кўз олдига темир панжаралар, тиконли симлар келди. Жазодан қутилиш йўллари излай бошлади. “Милиция ходимларини чалғитиш керак”, — деди Нуриддин ўзига ўзи.

Эртаси кун яқин орадаги Саримой шаҳарчасидан ўтадиган “Нукүс-Тошкент” йўналишидаги постда турган милиция ходимларига йўлнинг 193-километрида нотаниш шахснинг ўлиб ётганини хабар қилади.

Ушбу иш юзасидан тергов олиб борилиб. Нуриддин сўроқ қилинганда, у ўтовга самарқандлик йигитлар келганини, ўтириб пиво ичишганини, ўртада жанжал чиқиб икковини урганларини, таёқ зарбидан дўсти Жумёз ҳалок бўлганини бичиб-тўқийди. Йигитларни танимаслигини ҳам алоҳида айтади.

Аммо Нуриддиннинг бу ҳийла-найранги иш бермади. Вилоят ички ишлар бошқармаси, шаҳар ички ишлар жиноят қидирув бўлинимаси тезкорлик билан ўтказган суриштирув натижасида қотил Нуриддиннинг ўзи бўлиб чиқди. У ўртоғини ўзи ўлдирганлигини, далилий ашё — болтани сувга отиб юборганини тан олди.

Б. МАШАРИПОВ,
милиция майори.

Холдорали Хотамқулов бундан 15 йилгари Хонобод шаҳарички ишлар бўлимига оддий милиционер бўлиб ишга кирган эди.

У ўз ишига масъулият билан ёндашди, ўқиб билимини оширди, тажриба тўплади. Тез орада шаҳар ички ишлар бошқармаси уни Ёнгиндан сақлаш Давлат назорати катта назоратчиси лавозимига тайинлади.

КАПИТАН, ШОИР, УСТО...

Холдорали ўз ишини яхши билади. "Йигитга қирқ хунар оз", деганларидек унинг қўлидан дурадгорлик ҳам келади. Бундан ташқари у мусика асбобларининг барча турларини бемалол чала олади.

Холдорали бўш вақтларида

шеърлар машқ қилади. Унинг ёзганлари шаҳарнинг "Хонобод овози" ва вилоятнинг "Андижоннома" газеталарида чоп этилган.

Яқинда вилоятда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ҳаваскор шоирларнинг "Гулла, яшна, хур

Андижоним" мавзuida кўриги бўлиб ўтди. Унда Холдорали "Ўт ўчирувчи жангчи" шеъри билан қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Голибга, шунингдек, беш минг сўм пул мукофоти ва Фахрий ёрлик берилди.

Холдорали Хотамқулов

хаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. Ички ишлар бўлими хизматларини муносиб баҳолаб, унга ички хизмат капитани унвонини берди.

Биз истеъдодли капитанни янги унвон билан қутлаймиз.

М. МАМАЖОНОВ,
Хонобод шаҳар депутати, меҳнат фахрийси.

МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ

"Яхши дам меҳнатга ҳамдам", дейди доно, халқимиз. ИИБ раҳбарияти ҳам мана шу нақлга амал қилган ҳолда, ходимларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларига катта эътибор билан қарамоқда. Вазирликнинг "Ўзбекистон" дам олиш уйи ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

Яқинда "Ўзбекистон" дам олиш уйида Давлат Автомобиль Назорати Бошқармасининг ходимлари ўз оилалари билан биргаликда дам олишди. Дам олиш уйининг соя-салқин дарахтлар билан қўшалган ҳовлиси эрталабданок болаларнинг шўх овозларига тўлди. Хизмат ва рўзгор юмушларини бир зумгина

бўлсада унутган Бошқарма ходимлари бог ўчидаги чойхонада бир пиёла чой устида дилдан гурунглашди. Бундан ташқари теннис, волейбол, футбол ўйнаб ҳордиқ чиқаришди.

Шу куни, айниқса, болаларнинг қувончлари чексиз бўлди. Улар ўзларига янги дўстлар орттирдилар.

Кўнгилдагидек ўтган ушбу кун Бошқарма ходимларининг келгуси меҳнатларида ўз самарасини бериши табиий.

Мазмунли ҳордиқдан сўнг улар янги куч, янги гайрат билан хизмат вазифаларини бажаришга киришдилар.

М. РИХСИЕВ,
ДАНБ ходими.



Суратда: Бошқарма маъмурий амалиёт бўлими ходими Тоҳир Турғуновнинг фарзандлари ҳам шу куни мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

М. ТАТАРНИКОВ олган сурат.

Келинг, бир кулишайлик!

Уйқудан уйғонган киши ҳамроҳидан сўради:

— Тошкентга ҳали узоқми?
— Икки соатли йўл бор.
— Унда тагин, озгина мизғиб олсам бўларкан.

...У кўзини ишқалаб, яна ўша ҳамкупесига деди:

— Тошкентга етиб келдикми?
— Икки соатли йўл...
— Ие! Қанақа одамсиз ўзи? Ҳали ҳам шунақа девдингиз-ку? Ахир, орадан анча вақт ўтди-ёв?

— Тўғри, ўшанда Тошкентга кириб бораётгандик. Энди эса ундан узоқлашиб кетяпмиз.

Хиёбонда гандираклаб келаётган киши ёш йигитни тўхтатиб сўради:

— Айтинг-чи, болакай, меҳнат билан ароқнинг фарқи нимада?

— Меҳнат маймундан одам яратган бўлса, ароқ одамни маймунга айлантиради.

— Кўшничон, эрингиз уйдаларми?

— Ҳа, уйдалар.

— Жуда соз бўлди-да.

— Нима гап кўшни, тинчликми?

— Ҳа, тинчлик, фақат мен ундан

ундан ўн сўм қарз олмоқчи эдим.

— Агар унда ўн сўм пул бўлганда

уйда биқиниб ўтирмасди.

Эр асабийлашиб хотинидан сўради:

— Икки соатдан бери эшик олдида ким билан гаплашдинг?

— Кўшни хотин билан.

— Нега ичкарига таклиф қилмадинг?

— Шошиб турган экан...

— Ойи, опамга айтинг, кўзини бўямай юрсин, — деди тўрт ёшли Вали онасига.

— Нега, ўғлим?

— Дадам кўзбўямачилик ёмон иллат деб айтдилар.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ЯРМИ ҲАЗИЛ, ЯРМИ...

"КАТТА" АЙБ

(Криловга ўхшатма)

Келарди секин йўлдан машина,
Ногоҳ тўхтатди-ку, бир старшина.
Чалиб хуштагини, силкди таёғин,
Ва келиб честь берди, қоқиб оёғин.

Сунгра гурсиллатиб тепгач баллонни,
Деди: — Қани, чиқар, ҳужжат, талонни!
Шофёр дер: — Жон ака, не айб бор манда?
— Айбинг шу: учрадинг тушлик маҳалда!..

"КАМТАР"

— Ишляпмиз секин, камтарларга хос, —
дейди тарвузқорнинг сийпалаб Фуёс.
Қўндан ишлашиги тушиб ёдимга
боқсам, погониди... тугма бор холос.

Ўткир САИДОВ.
Самарқанд вилояти.



"Байрам осойишта ўтмоқда" — хабар беради осойишталик посбони.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМАН!

МЕН "ПОСТДА" газетасининг шу йил 18 июнь сониди босилган "Зарафшон" да бўлганмисиз?" мақоласини ўқиб, қўлимга қалам олдим.

Мақолада келтирилган фикрлар жуда ўринли, деб ҳисоблайман. Чунки, мен ҳам шу санаторийда 1992 йилда даволанганман. Ҳақиқатан ҳам санаторий жуда қўлай жойда қўрилган. Даволаниш учун ҳамма шароитлар етарли.

30 йилга яқин ички ишлар идораларида ишладим. Саломатлигимни даволаш мақсадга собиқ Иттифоқ ҳисобида турган кўп санаторийларга даволандим. Бироқ, у ерларда кўнгилдагидек даволана олмадим. Мен уруш даҳшатларини

кўрганман, бошимдан кўп савдоларни ўтказганман. Шу сабабли қийинчиликлар таъсириданми, кўп касалликларга чалиндим.

Яқинда яна Самарқанддаги "Зарафшон" санаторийида даволаниб қайтдим. Сизга ёлғон, менга чин, бунақа сертакаллуф, тажрибали врачларни ҳеч учратмагандим. Ҳозирда ўзимни тетик сезаяпман. Санаторийдаги янгича даволаш усуллари менга жуда маъқул тушди. Санаторий йўлланмасини врачлар маслаҳати билан олинади. Бунинг қўлайлиги шундаки, бемор киши ўзининг розилиги билан, яъни ўз шароитига қараб иш кўрарди. Сизнинг хоҳишингизга қараб йўлланма муддати белгиланади. Бу нарса

бизга ўхшаган кекса кишиларга маъқул келади.

Илгарилари бўлса, йўлланма муддати ўша санаторийдан белгилаб қўйиларди. Оқибатда айрим даволанувчиларнинг шароити билан келишмай, иш кўрилар, натижада йўлланма муддати ўтиб кетарди.

"Зарафшон" санаторийсининг шифокорлари жуда аҳил. Улар ҳар бир беморга алоҳида бир меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишади. Шу сабабли, бу ерда даволанганлар санаторийдан энгил, соғайиб чиқадилар.

Илтимосим шуки, газетангиз орқали "Зарафшон" санаторийси маъмуриятига, шифокорларига менинг чексиз миннатдорчилигимни етказсангиз. Уларнинг келгуси ишларга омадлар тилаб қоламан.

ЭШМЎМИН НАВҚАРОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси,
III гуруҳ ногирони, истеъфодаги милиция подполковниги.
Жарқўрғон шаҳри.

СУЮНЧИСИ БОР

Шу йилнинг 19 август куни соат 20-21 лар орасида Юнусобод тумани, Жаҳон Обидова кўчасида — Ботаника боғи олдида Салимжон Орифжоновга тегишли қора рангли папка йўқолган. Папкада иккита паспорт, битта меҳнат дафтарчаси ва "Тора Собир" концернига тегишли бир қатор муҳим ҳужжатлар бор эди. С. Орифжонов папкани топиб олган кишидан уни топишмалар столига топширишни илтимос қилади. Суюнчиси бор.

1986 йилда Янгийўл озик-овқат техникуми томонидан Нурмурза Джолдибаевич Амиркулов номига берилган ИТ-1 111447 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли;

Тошкент шаҳридаги Олимпия резервлари (УОР) мактаб-интернати томонидан 1992 йилда Абдул-Боқи Яма номига берилган А 100135 рақамли 9-синф маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли;

Тошкент шаҳридаги Олимпия резервлари (УОР) мактаб-интернати томонидан 1992 йилда Муҳаммад Босим номига берилган А 100126 рақамли 9-синф маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

бекор қилинади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 502, 34.089 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.